



Ҳаё иймондандир

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳу ривоят қиладилар: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам биродарига ҳаё ҳақида танбеҳ бераётган кишини эшитиб қолиб: «Уни тек қўй! Ҳаё иймондандир!», – деганлар.

[Тўғри матн] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам бир киши биродарини кўп ҳаё қилишдан қайтараётганини эшитиб қолдилар. Шунда Пайғамбаримиз унга ҳаё иймондан эканини ва у фақат яхшилик олиб келишини баён қилдилар. Ҳаё чиройли нарсага олиб бориб хуник нарсдан қайтарадиган хулқдир.

<https://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5478>

النّجاة الخيرية
ALNAJAT CHARITY

